



“28” май 2018 № 56

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги 2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-445-сон Конуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш хақида”ги 341-сон қарорига мувофик давлат статистика органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан иш юритиши янада такомиллаштириш мақсадида, **БҮЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда низом деб юритилади) иловага мувофик тасдиқлансан.

2. Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати бошқарма ва бўлимлари, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туман (шаҳар) статистика бўлимлари, Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази мазкур низомни раҳбарлик ва ижро учун қабул килсинган.

3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси (Ф.Бердибаев), худудий статистика бошқармалари, туман (шаҳар) статистика бўлимлари раҳбарлари, Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази директори:

бир ҳафта мuddатда, ушбу низомни давлат статистика органларининг барча ходимларига таништирилишини;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш бўйича барча иш юритиши хужжатларини қатъий равишда мазкур низом талаблари асосида юритилишини таъминласинлар.

4. Раис ўринbosарлари Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ва куйи тизим бўлинмалари томонидан низом талабларини тўлиқ ва пухта ижросини таъминланиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

3. Мазкур низом тасдиқланиши муносабати билан, Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 31 октябрдаги 104-сон буйруги ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

4. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда колдираман.

Раис

Б.Бегалов

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат статистика қўмитасининг  
2018 йил “31” майдаги  
56 - сон бўйруғига  
илова

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизимида  
жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари  
 билан ишлаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-445-сон Конунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 341-сон Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конунига (кейинги ўринларда Конун деб аталади) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида (кейинги ўринларда Кўмита деб аталади), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармаларида (кейинги ўринларда худудий статистика бошқармалари деб аталади), туман, шаҳар статистика бўлимларида (кейинги ўринларда худудий статистика бўлимлари деб аталади), шунингдек Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари марказида (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (кейинги ўринларда мурожаатлар деб аталади) билан ишлаш тартибини белгилайди.

Мазкур Низомда Кўмита, худудий статистика бошқармалари, худудий статистика бўлимлари ва Марказда (кейинги ўринларда давлат статистика органлари деб аталади) мурожаатлар билан ишлаш тартибининг умумий қоидалари, мурожаатларни қўриб чиқиш тартиби, қўриб чиқиш муддатлари, кўрмай қолдириш, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни ташкил этиш, қўриб чиқишида жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуqlари ва давлат статистика органларининг мажбуриятлари, кўриб чиқиши назорат қилиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш ҳамда қўриб чиқиш муддатлари ва тартиби бузилганлиги учун жавобгарлик баён этилади.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши:

кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал қонун хужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга;

давлат органларининг Кўмита билан, шунингдек давлат статистика органларининг, улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

**3. Ушбу Низомда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:**

**ариза** – хуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

**таклиф** – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

**шикоят** – бузилган хуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

**аноним мурожаат** – жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳакида ёлғон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;

**мурожаатнинг дубликати** – айнан бир жисмоний ёки юридик шахснинг мурожаати нусхаси;

**такрорий мурожаат** – айни бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилаётган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтга келиб қонун хужжатларида белгиланган кўриб чиқиши муддати тугаган бўлса, илгариги мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги тўғрисида хабар қилинаётган мурожаат;

**электрон мурожаат** – белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно.

4. Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда берилиши мумкин.

Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга бўлади.

Давлат статистика органларининг “ишонч телефони”га келиб тушган мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича “Ишонч телефонлари”га келиб тушган мурожаатларни рўйхатга олиш журналида рўйхатга олинади, шунингдек ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича карточкада қайд этилади ва кўриб чиқилади.

Давлат статистика органларига “ишонч телефонлари” орқали келиб тушган мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, шунингдек ушбу мурожаатлар билан иш юритишни ташкил этиш, Кўмитада – Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими, худудий статистика бошқармаларида – Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлими томонидан амалга оширилади.

“Ишонч телефонлари” орқали келиб тушган мурожаатлар билан иш юритишни тартибли ташкил этиш, ушбу бўлимлар раҳбарларининг зиммасига юклатилади.

Давлат статистика органларининг расмий электрон почта манзилига келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхоналари орқали келиб тушаётган мурожаатлар Қонунда ва ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Давлат статистика органларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхоналари орқали келиб тушаётган мурожаатларга тегишлича “*x/ж* ёки *x/ю*” ҳамда “*в/ж* ёки *в/ю*” белги қўйилган холда рўйхатга олинади.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан келиб тушган мурожаатлар Қонунда ҳамда ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин

5. Мурожаатлар аризалар, таклифлар ва шикоятлар тарзида бўлиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар якка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этишлари мумкин.

6. Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат статистика органларига мурожаат қилиш ҳукуқига эга.

7. Мурожаат этиш ҳукуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек, юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳукуқий шаклларига ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди.

Мурожаатларни кўриб чиқиша жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, давлат статистика органлари ходимлари ва мансабдор шахслари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

## **II. Мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби**

8. Жисмоний ва юридик шахслар мустақил равишда ёки вакили (қонуний вакили (ота-онаси, фарзандликка олувчиси ҳамда васийси ёки ҳомийси) ёки шартнома бўйича (ихтиёрий) вакили) орқали почта алоқа воситалари, интернетдаги электрон почта (манзил)ларидан фойдаланган холда мурожаат этишлари мумкин.

9. Жисмоний шахснинг мурожаатида унинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида давлат статистика органининг аниқ номи, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими ва (ёки) фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган, шунингдек, мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатларда мурожаат этувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факслари ракамлари кўрсатилиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

10. Мурожаат почта орқали конвертда келиб тушганда конвертда мурожаат ва унга иловалар мавжудлиги текширилади.

Конвертда мурожаат мавжуд бўлмаса ёки у шикастланган бўлса, шунингдек мурожаатда кўрсатилган иловалар мавжуд бўлмаса, икки нусхада далолатнома тузилиб, унинг бир нусхаси мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинмада қолади, иккинчи нусхаси мурожаат этувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича юборилади.

Келиб тушган мурожаатлар конвертлари мурожаат этувчининг манзилини, мурожаатнинг жўнатилган ва олинган вақтини аниқлаш учун сақлаб қолиниши мумкин.

11. Ёзма мурожаат мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

12. Давлат статистика органларида ушбу Низом талабларига мувофиқ мурожаатлар билан ишлашда электрон ҳужжат айланиши тизими жорий қилиниши мумкин.

13. Давлат статистика органларида мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиши учун юбориш, шунингдек унинг кўриб чиқилишини назорат қилиш Кўмитада – Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси, худудий статистика бошқармаларида – Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлимлари, Марказда – мурожаатлар билан ишлаш бўйича гурух, худудий статистика бўлимларида – масъул ходим (кейинги ўринларда мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Кўмитанинг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси мурожаатларни кўриб чиқилишини назорат қилиш масалаларида бевосита Кўмита Раисига, худудий статистика бошқармаларининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлимлари ҳамда уларнинг ходимларининг ҳукуқлари ҳамда вазифалари улар тўғрисидаги низомларда, ушбу Низомда ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тўғрисидаги бошқа ҳужжатларда белгиланади.

Кўмитанинг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро назорати бошқармаси, худудий статистика бошқармаларининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлимлари ҳамда уларнинг ходимларининг ҳукуқлари ҳамда вазифалари улар тўғрисидаги низомларда, ушбу Низомда ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тўғрисидаги бошқа ҳужжатларда белгиланади.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма ходимлари ишда бўлмаганида (таътилда, хизмат сафарида ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даврида) мурожаатлар билан ишлаш давлат статистика органи раҳбари белгилаган бўлинма (ходим) томонидан амалга оширилади.

14. Электрон мурожаатлар тушган кунида қоғозга босиб чиқарилиши, иш вақти тамом бўлгандан кейин тушган тақдирда эса – навбатдаги иш кунида қоғозга босиб чиқарилиши ва ушбу Низом қоидалари бўйича рўйхатга олиниши ҳамда кўриб чиқилиши керак.

15. Ёзма ва электрон (қоғозга босиб чиқарилган) мурожаатлар, тегишлилиги бўйича ушбу Низомга 3 ва 4-иловага мувофиқ шакллар бўйича мурожаатларни рўйхатга олиш журналига зарур ёзувларни киритиш, ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳисобга олиш карточкасини тўлдириш ва мурожаатнинг биринчи саҳифаси қуи ўнг қисмида рўйхатга олиш штампини қўйиш йўли билан мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма ходимлари томонидан рўйхатга олинади.

Бунда, жисмоний шахсларнинг мурожаатларига “**ж**”, юридик шахсларнинг мурожаатларига “**ю**” белгиси қўйилган ҳолда рўйхатга олинади.

Қайд этиш штампида давлат статистика органининг расмий номи (*агар давлат статистика органининг расмий номи узун бўлса, умумқабул қилинган қисқартирилган ном ёки қисқартма кўрсатилиши мумкин*), мурожаатнинг келиб тушган санаси ва қайд рақами кўрсатилади.

Мурожаатларнинг тартиб рақамлари ҳар йил бошидан янгидан ҳисобланади.

16. Оғзаки мурожаатлар билан келган жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинмалар томонидан қабул қилинади.

Мурожаат этувчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар текширилгандан кейин ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳисобга олиш карточкаси тўлдирилади. Ҳисобга олиш карточкаси оғзаки мурожаат сифатида, тегишлилиги бўйича ушбу Низомга 3 ва 4-иловага мувофиқ шакллар бўйича мурожаатларни рўйхатга олиш журналига зарур ёзувларни киритиш орқали рўйхатга олинади.

17. Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари давлат статистика органига оғзаки мурожаат этишганда, улар томонидан тақдим қилинган ёзма мурожаатлар ҳамда бошқа материаллар қабул қилиниши ва ушбу Низомнинг 15-бандига мувофиқ тўлдирилган ҳисобга олиш карточкасига илова қилиниши керак.

18. Рўйхатга олинган мурожаатлар келиб тушган пайтидан бошлаб бир иш кунидан кечикмай давлат статистика органи раҳбарига ёки унинг ўринбосарига киритилади, у масъул таркибий бўлинмани (ходимни) белгилаган ҳолда мурожаатни кўриб чиқиш бўйича резолюцияни (топшириқномани) қўяди.

19. Резолюция (топшириқнома) қўйилган пайтдан бошлаб бир иш куни мобайнида мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма мурожаатни ижро этувчи сифатида белгиланган таркибий бўлинма(лар)га (ходимга) имзо қўйдирган ҳолда беради. Мурожаатни ижро этувчи сифатида белгиланган таркибий бўлинма(лар) мурожаатни белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминлайди.

20. Давлат статистика органига келиб тушган мурожаатлар давлат статистика органининг иш юритувига қабул қилиниши, зарур ҳолларда, бўйсуниш тартибида тегишли қуи давлат статистика органига юборилиши ёки тегишлилиги бўйича бошқа давлат органига юборилиши мумкин.

Зарур ҳолларда, юқори давлат статистика органи, қуи давлат статистика органидан мурожаатни кўриб чиқиш бўйича олинган жавоб хатлари асосида мурожаат этувчига мурожаатни кўриб чиқиш натижаларини ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қиласи.

21. Қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган давлат статистика органига келиб тушган мурожаатлар беш кун муддатдан кечиктирмай давлат статистика органининг раҳбари ёки унинг

ўринбосари томонидан имзоланган хат билан тегишли органларга юборилади, бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади.

Мурожаатни кўриб чиқиши учун асоссиз равишда бошқа давлат органларига ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли органларга юбориш учун зарур бўлган маълумотлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда улар беш кун муддатдан кечиктирмай асослантирилган тушунириш билан мурожаат этувчиларга қайтарилади.

22. Куйи давлат статистика органи томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган мурожаатлар, унга мурожаат келиб тушган кунидан бошлаб беш кун муддатдан кечиктирмай хат билан ёки юқори давлат статистика органининг раҳбари ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланган топшириқ билан бирга юборилиши, бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар берилиши керак.

23. Агар мурожаатда бир нечта таркибий бўлинмага тегишли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси мурожаатни кўриб чиқиш бўйича ижро этувчилар этиб белгиланади. Ижро этувчилар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган таркибий бўлинма бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда мурожаатнинг кўриб чиқилишини таъминлайди.

24. Мурожаатни тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурият пайдо бўлган тақдирда мурожаатни кўриб чиқувчи таркибий бўлинма мурожаат этган жисмоний ёки юридик шахсдан, шунингдек ушбу давлат статистика органининг ваколатлари доирасида белгиланган тартибда бошқа давлат органларидан, ташкилотлардан қўшимча ахборотни расмий хат билан сўраб олиши мумкин.

Агар бошқа давлат органлари, ташкилотлар томонидан уларнинг иш юритувидаги мурожаат(лар)ни кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурият пайдо бўлганлиги сабабли, давлат статистика органларига сўровлар юборилганда, давлат статистика органларининг раҳбарлари ва ўринбосарлари сўралаётган ахборотлар давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуqlари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, тегишли қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларни сўров юборган давлат органларига, ташкилотларга ўн кун ичida тақдим этишлари шарт.

25. Агар мурожаатда жойнинг ўзида ўрганишни талаб этувчи ҳолат баён қилинган бўлса, шунингдек бошқа зарур ҳолларда мурожаатни кўриб чиқувчи давлат статистика органи мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқишни таъминлаши мумкин. Мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқиш давлат статистика органи раҳбарининг топшириғи ёки унинг розилиги билан амалга оширилади.

26. Мурожаатни мурожаат этган ёки бошқа шахснинг иштирокисиз кўриб чиқишнинг имконияти бўлмаганда, улар давлат статистика органининг раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан расмий хат билан чақирилиши мумкин. Чақирилган мурожаат этувчи келмаган тақдирда давлат статистика органининг раҳбари ёки унинг ўринбосари мурожаатни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин эмаслиги тўғрисида жавоб юборади.

27. Агар мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, ушбу мурожаат аввал тушган мурожаат билан биргалиқда кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича ягона жавоб берилади.

Мурожаатнинг дубликатига аввал тушган мурожаатнинг тартиб рақами ва “**дубликат**” сўзи билан белги ва мурожаатнинг дубликати келиб тушган сана кўйилади. Мурожаатнинг дубликати аввал тушган мурожаат билан биргалиқда сақланади.

28. Агар мурожаатда ўртага кўйилган масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатни кўриб чиқишида иштирок этиш учун давлат статистика органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида расмий хат билан жалб этилади.

29. Зарур ҳолларда, мурожаатларни кўриб чиқиш учун давлат статистика органи томонидан тегишли мутахассислар жалб этилиши мумкин.

30. Мурожаатни ижро этувчи сифатида белгиланган таркибий бўлинма(лар) ўз ёки давлат статистика органи раҳбарияти ташаббусига кўра ёхуд мурожаат этувчининг илтимосига кўра уни эшитишни ташкил этиши мумкин.

31. Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат статистика органи томонидан тегишли қарор қабул қилинади, бу хақда дарҳол ёзма ёхуд электрон шаклда мурожаат этувчига хабар берилади.

Мурожаатни қониктирумасдан қолдириш тўғрисидаги қарорни:

Кўмитада – раис, унинг ўринbosарлари;  
худудий статистика бошқармаларида – бошқарма бошлиғи, унинг ўринbosарлари;

Марказда – директор, директор ўринbosарлари;

худудий статистика бўлимнида – бўлим бошлиғи қабул қиласи.

Мурожаатга жавоб хатида мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни рад (инкор) этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асослар (заруриятга қараб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда) бўлиши керак.

32. Жисмоний шахсларнинг мурожаатлари бўйича ёзма ёки электрон жавоб хатлари Кўмитада – Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими, худудий статистика бошқармаларида – Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлими, Марказда – Умумий бўлим томонидан йиғма жилдлар номенклатуроси талабларига асосан рўйхатдан ўтказилади.

33. Иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномалар, Кўмитада – Молия-иқтисодиёт бошқармасида, худудий статистика бошқармаларида – Молия-иқтисодиёт бўлимларида, Марказда – Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ишлар бўлими, худудий статистика бўлимларида – масъул ходим томонидан йиғма жилдлар номенклатуроси талабларига асосан рўйхатдан ўтказилади.

34. Мурожаатга жавоб хати давлат статистика органи раҳбари ёки унинг ўринbosарлари томонидан имзоланади.

Мурожаатларга жавоб хати, мумкин қадар, мурожаат этилган тилда баён қилинади.

35. Жисмоний ёки юридик шахслар жамоа бўлиб мурожаат қилган тақдирда, уларнинг мурожаатлари Қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилади. Бунда мурожаатга жавоб мурожаат қилганларнинг рўйхатида биринчи бўлиб кўрсатилган шахсга ёки, уларнинг талабига кўра, бошқа шахсга юборилади.

36. Мурожаат, унда кўтирилган барча масалалар Қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ва мурожаат этувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда кўриб чиқилган ҳисобланади.

Мурожаат этувчига жавоб юборилган кун мурожаатни кўриб чиқиш тугалланган кун ҳисобланади, бу ҳақда мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма мурожаатларни рўйхатга олиш журналига (тегишилиги бўйича) ва ҳисобга олиш карточкасига белги қўяди.

Оралиқ жавоблар берилган ва тўлиқ кўриб чиқилмаган мурожаатлар ижродан ёки назоратдан олинмайди.

37. Назоратга олинган мурожаат ушбу мурожаатни назоратга олган раҳбар ёки мансабдор шахс томонидан назоратдан ва ижродан олинади.

38. Юқори давлат статистика органининг назоратида турган мурожаатлар бўйича мурожаатни кўриб чиқсан давлат статистика органи мурожаат этувчига юборилган жавоб хатининг нусхасини илова қилган ҳолда мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида юқори давлат статистика органига ёзма шаклда хабар беради.

39. Кўриб чиқилган мурожаатларни ва улар билан боғлиқ материалларни саклаш Қўмита томонидан белгиланган тартибда қўйидагилар томонидан амалга оширилади.

Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ва улар билан боғлиқ материалларни саклаш: Қўмитада – Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими, худудий статистика бошқармаларида – Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлими; худудий статистика бўлимларида ва Марказда – масъул ходим томонидан амалга оширилади.

Саклаш муддати тугаган мурожаатларни ва улар билан боғлиқ материалларни, шу жумладан электрон кўринишдаги ҳужжатларни йўқ қилиш ишлари Қўмита томонидан белгиланган тартибда ҳамда архив ишларини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар, Қўмита тизимида қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

### **III. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари**

40. Ариза ёки шикоят масалани мазмуни бўйича ҳал этиши шарт бўлган давлат статистика органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичida, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат статистика органи раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан, истисно тариқасида, қўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

41. Таклиф давлат статистика органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кун муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

42. Айрим ҳолларда давлат статистика органининг раҳбари ёки унинг ўринbosари мурожаатни кўриб чиқишининг қисқартирилган муддатини белгилаши мумкин.

43. Мурожаатлар билан ишлаш муддатлари улар давлат статистика органига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Кўйи давлат статистика органига юборилган мурожаатни кўриб чиқиш муддати, ушбу мурожаат юқори давлат статистика органига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар тегишли муддатнинг охирги куни дам олиш ва байрам кунларига тўғри келса, навбатдаги иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

44. Жисмоний ёки юридик шахснинг илтимосига кўра мурожаатни кўриб чиқкан давлат статистика органи мурожаатга жавобни унинг мазмунини ўзгартирмасдан тушунтиради, шунингдек йўл қўйилган хатолар ва арифметик хатоларни ўз ташаббусига кўра ёки мурожаат этувчининг илтимосига кўра, мурожаатга жавобнинг мазмунига дахл қилмаган ҳолда тузатади.

Мурожаат этувчининг мурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тузатиш тўғрисидаги илтимоси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқилади.

#### **IV. Мурожаатларни кўрмай қолдириш ва кўриб чиқишини тугатиш**

45. Куйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

Юқоридаги мурожаатлар ҳам мурожаатдаги мавжуд маълумотлар асосида ушбу Низомнинг 15 ва 16-бандларида назарда тутилган тартибда рўйхатга олинади.

46. Мурожаатни аноним деб эътироф этиш мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул ходим ёки мурожаатни кўриб чиқувчи таркибий бўлинма томонидан амалга оширилади.

Мурожаат аноним деб эътироф этилганда бу ҳақда хulosса тузилади. Хulosада мурожаатни аноним деб эътироф этиш учун асослар кўрсатилади. Мурожаатни аноним деб эътироф этиш тўғрисидаги хulosса давлат статистика органи раҳбари ёки унинг ўринbosари томонидан тасдиқланади.

Давлат статистика органларининг “ишонч телефонлари”га тушган мурожаатлар Қонунда ва ушбу Низомда назарда тутилган тартибда аноним деб эътироф этилиши мумкин.

Аноним деб эътироф этилган мурожаатлар хulosса тасдиқланган пайтдан бошлаб назоратдан ёки ижродан олинади ва кўриб чиқилмайди.

47. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар келиб тушганда, мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул ходим уларнинг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжудлигини текширади.

Агар мурожаатда жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, бу ҳақда мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул ходим томонидан хulosса тузилади ва давлат статистика органи раҳбари ёки унинг ўринbosари томонидан тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хulosса тасдиқланган пайтдан бошлаб

ушбу мурожаат кўриб чиқилмайди, бу ҳақда мурожаат этувчи ёзма равища хабардор қилинади.

48. Куйидаги ҳолларда мурожаатларни кўриб чиқиш тугатилади:

агар такрорий мурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўкис материаллари мавжуд бўлса ва мурожаат этувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

агар мурожаат этувчи ўз мурожаатини белгиланган тартибда чақириб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисидаги илтимос қилган бўлса;

яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги туфайли чақиришнинг имкони йўқлиги сабабли мурожаатни мурожаат этувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;

мурожаатни мурожаат этувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахси томонидан чақирилган мурожаат этувчи келмай қолган тақдирда;

агар мурожаат этувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг мурожаатни кўриб чиқиш хукуқий ворисликка йўл қўймаса.

49. Мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисидаги қарорни давлат статистика органининг раҳбари ёки унинг ўринбосари қабул қиласди.

Такрорий мурожаатни кўриб чиқиш ушбу Низомнинг 48-банд иккинчи хатбоисига мувофиқ тугатилганда, мурожаат этувчи такрорий мурожаатнинг асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилиши тўғрисида ёзма равища хабардор қилинади. Ёзишмалар олиб бориш тугатилган мурожаат этувчидан такрорий мурожаат келиб тушган тақдирда, бундай мурожаатни кўриб чиқиш мурожаат этувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади.

Мурожаатни кўриб чиқиш уни чақириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилганда, мурожаат мурожаат этувчига давлат статистика органининг хати билан бирга уч кун ичидаги қайтарилади. Мурожаатни чақириб олиш тўғрисидаги ариза қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

Мурожаат қилувчи чақирилган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг келмай қолганлиги сабабли мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинади.

## **V. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни ташкил этиш**

50. Давлат статистика органларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда қабул қилиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш давлат статистика органи раҳбари ёхуд унинг ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

51. Давлат статистика органларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш учун алоҳида хона ажратилади.

52. Қабул қилиш жадвали ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборот, шунингдек қабул қилиш тартиби

давлат статистика органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек уларнинг давлат статистика органлари жойлашган маъмурий бинода ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Кўйи давлат статистика органларида юқори давлат статистика органларининг қабул қилиш жадваллари ҳам манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса – ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатни, шунингдек ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак.

53. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма қабулга келган жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни, шунингдек жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш билан боғлиқ ишларни ташкил этади.

Жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг қабуллар вақтида берилган оғзаки мурожаатлари ушбу Низомнинг 16-бандига мувофиқ расмийлаштирилади ва рўйхатга олинади.

54. Давлат статистика органида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма ходими ёки тегишли таркибий бўлинма ходимлари иштирокида амалга оширилади.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, агар уларнинг шундай хусусиятга эга бўлган илгариги мурожаати бўйича давлат статистика органлари томонидан қарор қабул қилинган бўлса ва бу ҳақда уларга Конунда белгиланган тартибда хабар қилинган бўлса, рад этилиши мумкин.

Давлат статистика органларининг шахсий қабулни ўтказувчи раҳбарлари ёки уларнинг ўринбосарлари ҳар қандай масалалар, шу жумладан ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда қабулни рад этишга ҳақли эмас.

55. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул этувчи раҳбар ёки унинг ўринбосарининг кўрсатмаси бўйича давлат статистика органининг бошқа ходимлари ҳам қабул қилиш жараёнига жалб этилиши мумкин.

56. Агар жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилиш пайтида мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш давлат статистика органининг ваколатига кирмаслиги аниқланган тақдирда, уларга мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш кераклиги тушунтирилади. Бунда жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг талаби билан бу ҳақда ёзма шаклда жавоб берилади.

57. Давлат статистика органининг раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан сайёр шахсий қабуллар ташкил этилиши мумкин.

Сайёр шахсий қабуллар вақтида мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма ходими ва давлат статистика органининг бошқа масъул ходимлари иштирок этиши мумкин.

58. Сайёр шахсий қабуллар алоҳида тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ ўтказилади.

Зарур ҳолларда жадвалда назарда тутилмаган сайёр шахсий қабуллар ўтказилиши мумкин.

59. Сайёр шахсий қабулларни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборот ушбу Низомнинг 51-бандида белгиланган тартибда манфаатдор шахслар эътиборига етказилади, шунингдек маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

60. Жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллар вақтида берилган оғзаки мурожаатлари ушбу Низомнинг 16-бандига мувофиқ расмийлаштирилади ва рўйхатга олинади ҳамда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

## **VI. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари**

61. Мурожаатлар давлат статистика органлари томонидан кўриб чиқилаётганда жисмоний ва юридик шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мурожаат кўриб чиқилишининг бориши ҳақида ахборот олиш;

важларни шахсан баён этиш ва тушунтиришлар бериш;

мурожаатни текшириш материаллари ҳамда уни кўриб чиқиш натижалари билан танишиш;

кўшимча материаллар тақдим этиш ёки уларни бошқа органлардан сўраб олиш тўғрисида илтимос қилиш;

адвокат ёрдамидан фойдаланиш;

мурожаатни кўриб чиқиши тўхтатиш тўғрисида ёхуд мурожаатга жавобни тушунтириш ва (ёки) уни тузатиш тўғрисида илтимос қилиш;

ўз мурожаатини у кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган пайтда мурожаат бўйича қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан чақириб олиш;

мурожаатни қабул қилиши ёки кўриб чиқиши қонунга хилоф равишда рад этганлик устидан бўйсунув тартибida юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят қилиш.

Жисмоний ва юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ мурожаатларни кўриб чиқишида бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## **VII. Мурожаатларни кўриб чиқишида давлат статистика органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва эркинликлари**

62. Мурожаатларни кўриб чиқишида давлат статистика органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

мурожаат этувчи ёки унинг вакилини улар йўқлигига мурожаатни кўриб чиқиши мумкин бўлмаганда ёхуд мурожаатни эшитиш учун чақириш;

била туриб ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаатни текшириш сабабли етказилган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга мурожаат қилиш.

63. Давлат статистика органларининг мурожаатни кўриб чиқувчи мансабдор шахслари ёки бошқа ваколатли шахслари:

мурожаат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларирио яши;

мурожаат қилувчига унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан

танишиб чиқиш имкониятини, агар улар давлат сири ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир бўлган маълумотларни ўз ичига олмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига заарар етказмаса, таъминлаши;

мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг зудлик билан ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилиши;

мурожаат юзасидан қабул қилинган қарор устидан, агар жисмоний ёки юридик шахс ушбу қарорга рози бўлмаса, шикоят бериш тирибини тушунтириши;

мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиши;

қонунга хилоф ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бартараф этиш юзасидан дарҳол чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни ўз ваколатлари доирасида аниқлаши;

жисмоний шахс, унинг вакили, уларнинг оила аъзолари, юридик шахс, унинг вакили ва юридик шахс вакилининг оила аъзолари уларнинг мурожаатлари сабабли таъқиб этилишини белгиланган тартибда бартараф этиш чораларини кўриши;

агар жисмоний ёки юридик шахсга унинг хуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий заарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий заарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш чораларини кўриши шарт.

Давлат статистика органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **VIII. Мурожаатлар кўриб чиқилишини мониторинг ва назорат қилиш.**

#### **Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш**

64. Давлат статистика органлари раҳбарлари ёки уларнинг ўринбосарлари ўз тузилмавий бўлинмалари томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан доимий мониторинг ва назоратни амалга оширади, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини кўради.

65. Мурожаат у қайси раҳбар ёки ваколат берилган ўринбосар томонидан назоратга олинган бўлса, ўша шахс томонидан назоратдан ва ижродан олинади.

66. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма (ходим) таркибий бўлинмалар томонидан мурожаатлар кўриб чиқилишини доимий назорат қиласи ва унинг мониторингини олиб боради, уларнинг ўз вақтида ва зарур тарзда кўриб чиқилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма (ходим) мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби таркибий бўлинмалар томонидан бузилиши тўғрисида давлат статистика органи раҳбарини дарҳол хабардор қиласи.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма (ходим) мониторинг натижалари бўйича ҳар ойда давлат статистика органи раҳбарига мурожаатлар кўриб чиқилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни, зарурият бўлганда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган давлат статистика органи ходимларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан тегишли таклифлар билан биргаликда тақдим этади.

67. Давлат статистика органи жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлатнинг манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида ҳар чоракда мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилишни таъминлайди.

Таҳлил натижалари бўйича мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма (ходим) ёки таркибий бўлинма, зарур ҳолларда давлат статистика органи раҳбарига давлат статистика органида мурожаатларни кўриб чиқишининг қонунийлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлатнинг манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади.

Кўмитанинг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси, ҳудудий статистика бошқармаларининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлимлари, Марказ томонидан давлат статистика органларининг расмий веб-сайтларида мурожаатларни таҳлил қилиш якунлари бўйича тегишли статистика ҳисботларини ҳар ойда эълон қиласидилар.

Ҳудудий статистика бошқармалари ва Марказ томонидан мурожаатларни таҳлил қилиш якунлари бўйича ҳар чоракда, белгиланган муддатларда Давлат статистика қўмитасига таҳлилий жадваллар тақдим этилади.

Давлат статистика қўмитаси ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига мурожаатлар бўйича иш юритиш тўғрисида ҳисботни тақдим этади.

## **IX. Якунловчи қоидалар**

68. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиши қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиши муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган хуқуqlари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик, жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, жисмоний ва юридик шахсни мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун таъқиб қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш, шунингдек тухмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

69. Қонун ва ушбу Низом талабларига риоя этишни таъминлаш учун жавобгарлик давлат статистика органлари раҳбарларига ва уларнинг ўринbosарларига, мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул ходимлар ва тегишли таркибий бўлинмалар раҳбарларига юкланди.

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат статистика қўмитаси тизимида  
жисмоний ва юридик шахсларнинг  
мурожаатлари билан ишлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-илова

**“Ишонч телефонлари”га келиб тушган мурожаатларни рўйхатга олиш журнали\***

Т/р, қабул қилинган сана	Жисмоний шахснинг ФИО, манзили (Республика, вилоят, туман, шаҳар, ҚФЙ, маҳалла, кўча ва уй (хонадон) рақами) ёки Юридик шахснинг тўлиқ номи, вакилининг ФИО, манзили (почта манзили), телефон рақами**	Мурожаат мазмуни ва тури (таклиф, ариза, шикоят)	Мурожаатни қабул қилган масъул ходим	Рахбарият резолюцияси (топширик- номаси)	Масъул ижрочилар	Мурожаатни ижро учун олингланлиги тўғрисида масъул ижрочининг имзоси	Жавобнинг мазмуни: ижобий ҳал этилди; тушунтирилди; рад этилди; тугатилди	Жавоб хатининг тартиб рақами, санаси, шахсан олиб кетилгандиги ёки почта, электрон почта орқали юборилгандиги ҳақида маълумот
1	2	3	4	5	6	7	8	9

\*Изоҳ: Журнал вараклари рақамланади, ип ўтказиб тикилади. Қўмитада Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси (худудий статистика бошқармаларида Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлими) бошлиғи томонидан имзо қўйиб тасдиқланади ва тегишли муҳр билан муҳрланади. Ҳар бир йил учун алоҳида журнал юритилади.

\*\*Телефон рақами мурожаат эгасининг хоҳишига кўра ёзилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат статистика қўмитаси тизимида  
жисмоний ва юридик шахсларнинг  
мурожаатлари билан ишлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-илова

(Олд томони)  
**ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ  
МУРОЖААТЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ КАРТОЧКАСИ**

Тартиб рақами:	Савол:
Мурожаат этувчи:	
Манзили:	
Мурожаат келиб тушган сана:	Мурожаат этувчилар сони:
Мурожаатнинг шакли:	
Қабул шакли:	Дубликат/ тақориий
Мурожаатнинг тури:	Олдинги мурожаатнинг санаси ва рақами:
Назорат тури:	
Мурожаатнинг қисқача мазмуни:	
Резолюцияни (топшириқни) имзолаган раҳбар:	
Раҳбарнинг резолюцияси (топшириғи):	Бажариш муддати:
	Ижрочи:

(Орқа томони)

Мурожаатларни кўриб чиқишнинг ҳолати		
Юборилган сана	Қаерга юборилган	Жавоб хатининг рақами ва санаси
		(имзо)
Жавоб хати келган сана:		
Кўриб чиқиши натижаларининг қисқача мазмуни:		
Назоратдан олинди (ким томонидан):	Бажарувчининг имзоси:	
Сана:		
Мурожаатни кўриб чиқиши муддати бузилганилиги ҳақидаги белги:		

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат статистика қўмитаси тизимида  
жисмоний ва юридик шахсларнинг  
мурожаатлари билан ишлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
3-илова

**Жисмоний шахсларнинг мурожаатларини рўйхатдан ўтказиш  
ва уларнинг назоратини олиб бориш журнали\***

Т/р, қабул қилинган сана	Жисмоний шахснинг ФИО, манзили (Республика, вилоят, туман, шахар, ҚФЙ, маҳалла, кўча ва уй (хонадон) рақами)	Мурожаат шакли (ёзма, офзаки, электрон) ва тури (ариза, таклиф, шикоят), варақлар сони	Мурожаат шакли (ёзма, офзаки, электрон) ва тури (ариза, таклиф, шикоят), варақлар сони	Юкори (бошқа) органдан келиган ёки такрорий	Мурожаат- нинг асосий мазмуни	Рахбарият резолюцияси (топширик- номаси)	Масъул ижрочилар	Мурожаатни ижро учун олинганлиги тўғрисида масъул ижрочилар имзоси	Жавоб хатини жўнатиш тури (шахсан, почта, электрон почта орқали)	Жавобнинг мазмуни: ижобий ҳал этилди; тушунтирилди; рад этилди; тугатилди; тегишли органга юборилди	Ижро муддати бузилган ёки амалда ижро этилган муддати (кунлар хисобида)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

\*Изоҳ: Журнал вараклари рақамланади, ип ўтказиб тикилади, Кўмитада Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси (худудий статистика бошқармаларида Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлими бошлиғи, туман (шахар) бўлимларида бўлим бошлиғи, Марказда директор) бошлиғи томонидан имзо қўйиб тасдиқланади ва тегишли муҳр билан муҳрланади. Ҳар бир йил учун алоҳида журнал юритилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат статистика қўмитаси тизимида  
жисмоний ва юридик шахсларнинг  
мурожаатлари билан ишлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
4-илова

**Юридик шахсларнинг мурожаатларини рўйхатдан ўтказиш  
ва уларнинг назоратини олиб бориш журнали\***

Т/р, қабул қилинган сана	Юридик шахс(лар)нинг тўлиқ номи, вакилининг ФИО, манзили (почта манзили), телефон рақами**	Мурожаат шакли (ёзма, оғзаки, электрон) ва тури (ариза, таклиф, шикоят), вараклар сони	Юкори (бошқа) органдан келган ёки такорий	Мурожаат- нинг асосий мазмуни	Рахбарият резолюцияси (топширик- номаси)	Масъул ижрочилар	Мурожаатни ижро учун олингланлиги тўғрисида масъул ижрочиининг имзоси	Жавоб хатининг т/р ва санаси	Жавоб хатини жўнатиш тури (шахсан, почта, электрон почта орқали)	Жавобнинг мазмуни: ижобий хал этилди; тушунтирилди; рад этилди; тугатилди; тегишли органга юборилди	Ижро муддати бузилган ёки амалда ижро етилган муддати (кунлар хисобида)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

\*Изоҳ: Журнал вараклари рақамланади, ип ўтказиб тикилади, Қўмитада Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси (худудий статистика бошқармаларида Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлим бошлиғи, туман (шаҳар) бўлимларида бўлим бошлиғи, Марказда директор) бошлиғи томонидан имзо кўйиб тасдиқланади ва тегишли муҳр билан муҳланади. Ҳар бир йил учун алоҳида журнал юритилади.

\*\*Телефон рақами мурожаат эгасининг хоҳишига кўра ёзилиши мумкин.